

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

124 **Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет, Солиқ ва Божхона кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 24 март,
20-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 24 март,
2016-14-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 24 март,
01-02/8-10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг
2016 йил 24 мартдаги 20, 2016-14,
01-02/8-10-сонли қарорига
ИЛОВА

**Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг
касса ижроси тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Бюджет, Солиқ ва Божхона кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК–594-сонли «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар — қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкцияларни (бундан буён матнда тўловлар деб юритилади) ундирилишини амалга оширувчи органлар;

Ягона газна ҳисобварағи (бундан буён матнда ЯҒҲ деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) томонидан бошқариладиган, бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва бошқа тушумлари киритиладиган ҳамда харажатлари тўланадиган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (бун-

дан буён матнда Марказий банк деб юритилади) очилган махсус банк ҳисобварағи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизими (бундан буён матнда «ЎРМВ» АТ деб юритилади) — бюджет тизими бюджетларининг бюджет жараёнини комплекс автоматлаштириш, шу жумладан бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс этириш учун мўлжалланган ахборот тизими;

даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари — бюджет тизими бюджетлари даромадларининг ғазна ижроси жараёнида тегишли бюджетлар даромадларининг тасдиқланган миқдори, даромадларнинг касса тушумлари ҳажми ва тегишли бюджетларга ва бюджетлардан даромадлар тури ва манбаси бўйича амалга оширилган қайтариш (ҳисобга олиш) суммалари бўйича маълумотларни акс этириш учун мўлжалланган аналитик ҳисоб регистрлари.

2. Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси «ЎРМВ» АТда ЯФХни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

3. Жисмоний ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслардан миллий валютадаги тўловлар Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан қабул қилинади ва ЯФХга ўтказилади.

4. Бюджет тизими бюджетларига тўловлар тушуми бўйича операциялар ҳисобини юритиш ва кейинчалик уларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш учун Молия вазирлиги томонидан «ЎРМВ» АТда ҳар бир туман, шаҳар учун ҳар бир тўлов тури бўйича солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар кесимида даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади. Бунда даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилган тўловлар, ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ Тўловлар тури таснифидаги 08201 — 08203, 08301 — 08303 тўлов кодлари билан кўрсатилган тўловлардан ташқари, бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлангунига қадар бюджет тизими бюджетларига тўловлар контингенти (бундан буён матнда тўловлар контингенти деб юритилади) ҳисобланади.

5. Бюджет тизими бюджетларига тўловлар тўловчилар томонидан ҳар бир тўлов тури бўйича алоҳида тўлов ҳужжатлари билан тўланади ва тегишли даромадлар турлари бўйича тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларида акс этирилган ҳолда тўлиқ ЯФХга ўтказилади.

6. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари «ЎРМВ» АТда очилган кундан бошлаб, шунингдек келгусида уларга ўзгартиришлар киритилган ҳолларда ҳудудий молия органлари бир иш қуни мобайнида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органларга бу ҳақда хабар беради.

«ЎРМВ» АТ билан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар ва Марказий банк ахборот тизимлари ўртасида идоралараро ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилганида даромадлар бўйича очилган шахсий ғазна ҳисобварақлар ва келгусида уларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумот (бундан буён матнда даромадлар бўйича ШФХ маълумот-

номаси деб юритилади) «ЎРМВ» АТдан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар ва Марказий банк ахборот тизимларига автоматик тарзда берилиши мумкин.

7. Банклар Марказий банкнинг ахборот тизими орқали олинган даромадлар бўйича ШФХ маълумотномаси маълумотидан бюджет тизими бюджетлари даромадларига жисмоний ва юридик шахслардан тўловларни қабул қилишда фойдаланадилар.

8. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар тўловчилар эътиборига ҳудудий молия органларидан олинган маълумотни ва унга келгуси ўзгаришларни етказди.

9. Келиб тушаётган тўловлар Марказий банкдан ЯФХга тўловлар суммаси киритилганлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушганидан сўнг «ЎРМВ» АТ орқали автоматик режимда тақсимланади.

2-боб. Тўловлардан бюджет тизими бюджетларига ажратмалар меъёрлари

10. Тўловлардан бюджет тизими бюджетларига ажратмалар меъёрлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилади.

11. Тўловлардан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари (бундан буён матнда ДМЖ деб юритилади) бюджетларига ажратмалар меъёрларининг миқдорлари улар ўрнатилганидан сўнг 3 иш куни мобайнида Молия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларга, Молия вазирлиги Фазначилигига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Фазначилик бошқармаларига етказилади.

12. Тўловлардан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ўрнатилган ажратмалар меъёрларининг миқдорлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан тегишли туман ва шаҳар ҳокимликларига, туман ва шаҳар ҳокимликлари молия бўлимларига, туман ва шаҳарлар бўйича Фазначилик бўлинмаларига етказилади.

13. Тўловлардан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва ДМЖ бюджетларига ажратмалар меъёрлари «ЎРМВ» АТга Молия вазирлиги Фазначилигининг ваколатли ходимлари томонидан киритилади.

14. Тўловлардан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёрлари «ЎРМВ» АТга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

бўйича Ҳазначилик бошқармаларининг ваколатли ходимлари томонидан киритилади.

15. Молия йили мобайнида ўрнатилган меъёрлар ўзгарса ёки янгидан киритилган бошқа тўловлар бўйича ажратмалар меъёри ўрнатилса, янгидан ўрнатилган ажратмалар меъёрлари миқдорлари улар ўрнатилганидан сўнг 3 иш куни мобайнида ушбу Йўриқноманинг 11 ва 12-бандларида ўрнатилган тартибда тегишли манфаатдор органларга етказилади. Бунда янгидан ўрнатилган ажратмалар меъёрларининг амал қилиш санасининг бошланиши мажбурий тартибда кўрсатилади.

16. Тўловлардан бюджет тизими бюджетларига аниқлаштирилган ажратмалар меъёрлари ушбу Йўриқноманинг 13 ва 14-бандларида белгиланган тартибда «ЎРМВ» АТга киритилади.

3-боб. Тўловлар контингентини «ЎРМВ» АТда акс эттириш орқали ЯФХга киритиш ва ортиқча тўланган тўловларни қайтариш

1-§. Тўловлар контингентини ЯФХга ўтказиш, уларни «ЎРМВ» АТнинг «Тушумларни бошқариш» модулида акс эттириш

17. Бюджет тизими бюджетлари даромадларига жисмоний (юрidik шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари) ва юридик шахслар томонидан тўланадиган тўловлар ушбу Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги тўлов топшириқномасига асосан ЯФХга ўтказилади.

18. Тўловни амалга ошириш учун тўлов топшириқномасида тўловчи томонидан:

«Даромад шахсий ғазна ҳисобварағи» графасида — тегишли даромад шахсий ғазна ҳисобварағи;

«Тўлов мақсади» графасида — ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ тўлов турининг коди ва тўлов мақсади кўрсатилади.

Бунда тўлов мақсадида биринчи навбатда тўлов турининг коди кўрсатилади.

19. Банк ходимлари тўловни амалга ошириш учун тўловчилар томонидан тақдим этилган тўлов топшириқномаларини қабул қилганларидан сўнг, «Даромад шахсий ғазна ҳисобварағи» графасида кўрсатилган даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағи рақамини бюджетга ўтказилаётган тўловга мувофиқлигини ва тўғрилигини, «Тўлов мақсади» графасида эса ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ кўрсатилган тўлов тури кодининг мувофиқлигини текширадилар.

20. Тўловчиларнинг банк ҳисоб рақамларидан ЯФХга келиб тушган тўловлар контингенти суммалари «ЎРМВ» АТда тегишли даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларида, шунингдек «ЎРМВ» АТнинг «Тушумларни

бошқариш» модулида юритиладиган Тўловлар контингентини ҳисобга олиш китобида акс эттирилади.

21. Божхона тўловлари, уларни божхона органларининг «ЎРМВ» АТда очилган депозит шахсий ғазна ҳисобварақларида акс эттирган ҳолда ушбу Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги тўлов топшириқномасига асосан ЯҒХга ўтказилади.

22. Божхона тўловларини божхона органларининг депозит шахсий ғазна ҳисобварақларидан даромадлар бўйича тегишли шахсий ғазна ҳисобварақига ўтказилиши божхона органлари томонидан ушбу Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги тегишли ғазначилик бўлинмаларига тақдим этиладиган ғазна мемориал ордерларига асосан амалга оширилади.

23. «ЎРМВ» АТда даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларида ва Тўловлар контингентини ҳисобга олиш китобида келиб тушаётган тўловлар контингентининг ҳисоби қуйидаги талабларга риоя этган ҳолда юритилади:

келиб тушаётган маблағларни тўлов турлари бўйича мажбурий тартибда акс этиш ва гуруҳлаш;

банклар томонидан тўловчиларнинг банк ҳисоб рақамларидан ЯҒХга ўтказиб берилаётган ҳар бир суммани келиб тушиш санасини мажбурий тартибда кўрсатиш;

ҳар бир тўлов турини ҳудудий белгиси ва солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар бўйича мажбурий тартибда гуруҳлаш;

келиб тушган тўловларни кунлар, ойлар, чораклар ва биринчи ярим йил, тўққиз ойлик ва йиллик ортиб борувчи якун билан мажбурий тартибда ҳисобини юритиш.

24. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари келиб тушган тўловлар контингентини тасдиқланган меъёрларга мувофиқ бюджет тизимининг тегишли бюджетлари ўртасида амалиёт куни мобайнида ҳар соатда тақсимлаш йўли билан «ноль» ҳолатига келтирилади. Зарурат туғилганда келиб тушган тўловлар контингентини бюджет тизимининг тегишли бюджетлари ўртасида тақсимлаш реал вақт режимида амалга оширилиши мумкин.

25. Тўловлар контингентини ҳисобга олиш китоби ҳар бир молия йили учун алоҳида юритилади.

26. Маълум бир сабабларга кўра тавсифланиши ва тегишли бюджетга киритилиши имконияти йўқ бўлган тўловлар тушуми суммалари, аниқланмаган тушумлар сифатида идентификация қилинади ва ЯҒХга қайси банк ҳисоб рақамларидан ўтказиб берилган бўлса, шу банк ҳисоб рақамларига ғазначилик бўлинмалари томонидан 3 иш куни мобайнида қайтарилади.

27. Аниқланмаган тушумлар Тўловлар контингентини ҳисобга олиш китобида ҳудудий мансублиги бўйича, яъни ЯҒХга маблағ ўтказилган ҳисоб рақами банкнинг жойлашган жойи кўрсатилган ҳолда акс эттирилади.

28. Бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари

маблағлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан тўланадиган тўловлар тегишли даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига ушбу Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги ғазна мемориал ордерига асосан ўтказиб берилади.

Бунда, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга тўловларни тўлашнинг ушбу Йўриқноманинг 18-бандида назарда тутилган тартиби қўлланилади.

29. ЯФҲга тўловлар тўғрисидаги маълумот Молия вазирлиги томонидан хар куни электрон шаклда «ЎРМВ» АТдан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органларнинг ахборот тизимларига тақдим этилади.

30. Тўловлар жисмоний шахс томонидан:

нақд пул маблағлари орқали амалга оширилганида маблағлар тўлови ушбу Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги тўлов ҳужжатини расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Тўлов ҳужжати уч қисмдан, эълон, қвитанция ва қирим ордеридан иборат. Қирим ордери банк куни ҳужжатларига тикилади, қвитанция тўловни тўлаб берган жисмоний шахсга берилади, эълон эса тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органи ходимларига тақдим этилади;

банк пластик карточкаси орқали амалга оширилганида маблағлар тўлови ушбу Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги тўлов ҳужжатини расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади;

ўзининг омонат ҳисобварағидан тегишли даромад бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига амалга оширилганида маблағларни ўтказиш Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) мувофиқ амалга оширилади. Бунда кўрсатилган тўлов суммаси банк томонидан мемориал ордер орқали, унда тегишли даромад тури бўйича шахсий ғазна ҳисобварағини кўрсатган ҳолда ЯФҲга ўтказилади.

2-§. Тўловлар суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш

31. Тўловлар суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш мазкур тўловлар ортиқча ёки нотўғри тўланганида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва Божхона кодексларида ҳамда тўловлар суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш масалаларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади. Агар юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур параграфда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари қўлланилади.

32. Тўловлар жисмоний шахс томонидан нақд пул маблағлари орқали амалга оширилганида қайтариш жисмоний шахснинг «20206 — жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинган депозитлари» ҳисобварағига, банк плас-

тик картаси орқали амалга оширилганида эса жисмоний шахснинг «231XX — жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари» ҳисобварағига амалга оширилади.

33. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 56-моддасига мувофиқ ортиқча ёки нотўғри тўланган солиқлар суммаларини ҳисобга олишда солиқ тўловчи томонидан ариза тақдим этилиши зарур бўлганда, мазкур ариза ушбу Йўриқноманинг 7-иловасидаги шаклга мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 57-моддасига мувофиқ ортиқча ёки нотўғри тўланган солиқлар суммаларини қайтаришда солиқ тўловчи томонидан ариза тақдим этилиши зарур бўлганда, мазкур ариза ушбу Йўриқноманинг 8-иловасидаги шаклга мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 56 ва 57-моддаларига мувофиқ ортиқча ёки нотўғри тўланган солиқлар суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олишда давлат солиқ хизмати органи томонидан тегишли хулоса тақдим этилиши зарур бўлганда, мазкур хулоса ушбу Йўриқноманинг 9-иловасидаги шаклга мувофиқ бўлиши лозим.

Ортиқча ёки нотўғри тўланган солиқлар суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш тегишли туман (шаҳар) бўйича Ҳазначилик бўлинмасига давлат солиқ хизмати органи томонидан хулоса ва молия органининг тўлов ҳужжатини тақдим қилиш йўли билан амалга оширилади.

34. Солиқлардан ташқари ортиқча ёки нотўғри тўланган тўловлар суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш тўловчининг аризаси ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органнинг ушбу Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги хулосасига асосан мазкур ваколатли орган томонидан тегишли туман (шаҳар) бўйича Ҳазначилик бўлинмасига хулоса ва тўлов ҳужжатини тақдим қилиш йўли билан амалга оширилади.

35. Қайтариш ёки ҳисобга олиш банк куни давомида даромадлар бўйича тегишли шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушган тўловлар контингенти суммаси доирасида амалга оширилади. Банк куни давомида даромадлар бўйича тегишли шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушган тўловлар суммаси етмаганда қайтариш ёки ҳисобга олиш кейинги банк кунининг тушумлари ҳисобидан амалга оширилади.

36. Ортиқча ёки нотўғри тўланган божхона тўловларининг қайтарилиши божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Алоҳида ҳолларда, агар 30 кун мобайнида жорий тушумларнинг етишмаслиги ёки мавжуд бўлмаганлиги сабабли қайтариш ёки ҳисобга олиш имконияти бўлмаса, қайтариш ёки ҳисобга олиш Молия вазирлигининг ёзма хулосасига кўра тегишли бюджетнинг шахсий ғазна ҳисобварағидан амалга оширилиши мумкин.

38. Ортиқча ёки нотўғри тўланган тўловларни тегишли бюджетнинг шахсий ғазна ҳисобварағидан қайтариш ёки ҳисобга олишда қайтарилган ёки

ҳисобга олинган суммалар харажатларда акс эттирилмайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ёки ДМЖ даромадлари ортиқча ёки нотўғри тўланган даромад тури бўйича қайтариш ёки ҳисобга олиш суммасига камайтирилади.

39. Бюджет ташкилотларининг жорий молия йилида бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига тўланган тўловлари суммаси бюджет ташкилотининг тўлов амалга оширилган шахсий ғазна ҳисобварағига қайтарилади. Бунда бюджет ташкилотининг тегишли шахсий ғазна ҳисобварағида жорий молия йилининг касса харажатларининг тикланиши бўйича операция акс эттирилади.

40. Агар бюджет ташкилоти томонидан ўтган молия йилида бюджет маблағлари ҳисобига тўланган тўлов суммаси қайтарилаётган бўлса, у ҳолда маблағлар бюджетдан ташқари маблағлар бўйича (4004 маблағлар манбаси билан) шахсий ғазна ҳисобварағига, келгусида қайтарилган тўлов суммасини тегишли даромад шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш ҳамда тушган тўлов суммасини тегишли бюджет даромадига тақсимлаш орқали қайтарилади.

41. Агар бюджет ташкилоти томонидан ўтган молия йилида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига тўланган тўлов суммаси қайтарилаётган бўлса, у ҳолда маблағлар бюджет ташкилотининг тегишли бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига қайтарилади. Бундай ҳолатда, қайтарилган тўлов суммаси бюджет ташкилотининг жорий йилдаги бюджетдан ташқари жамғармаси тушуми манбаси сифатида акс эттирилади, бюджет ташкилотининг ўтган молия йилидаги касса харажатлари эса тикланмайди.

42. Тўловчиларга тўловлар қайтарилганлиги ёки ҳисобга олинганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси, ғазна мемориал ордери ва бошқа тўлов ҳужжатлари ҳар куни электрон тарзда «ЎРМВ» АТдан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органларнинг тегишли ахборот тизимларига тақдим этилади.

4-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ДМЖ бюджетларига келиб тушган тўловлардан ажратмаларни ҳисобга олиш китобини юритиш

43. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳар бюджетлари, ДМЖ бюджетларига ажратма қилинган тўловлар ҳисобини юритиш учун «ЎРМВ» АТнинг «Даромадларни бошқариш» модулида ҳар йили Тўловлардан ажратмаларни ҳисобга олиш китоби юритилади.

44. Тўловлардан ажратмаларни ҳисобга олиш китоби Давлат бюджети ҳамда ДМЖ бюджетлари таркибига кирувчи ҳар бир бюджет учун алоҳида очилади ва юритилади.

45. Тўловлардан ажратмаларни ҳисобга олиш китобида тўловлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг бюджет таснифига мувофиқ юритилади.

46. Тўловлардан ажратмаларни ҳисобга олиш китобида ЯФХга келиб тушган, Тўловлар контингентини ҳисобга олиш китобида акс эттирилган, бюджет тизимининг тегишли бюджетига тааллуқлилигини аниқлаш ва бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш тартиб-таомилларидан ўтган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳар бюджетлари, ДМЖ бюджетлари шахсий фазна ҳисобварақларида акс эттирилган тўловлар суммаси акс эттирилади.

47. Тўловлардан ажратмаларни ҳисобга олиш китобларида келиб тушган тўловларнинг ҳисоби тўловлар тури ва бюджет тизими бюджетларининг шахсий фазна ҳисобварақларига ўтказилган саналари бўйича юритилади.

**5-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва
ДМЖ бюджетларининг даромад қисми ижроси тўғрисидаги
ҳисоботларни тузиш ва ҳисобини юритиш**

**1-§. Тўловлар контингенти тушуми ҳисобини юритиш ва
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ДМЖ
бюджетларига тўловлар контингенти прогнозининг ижроси
тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш**

48. Тўловлар контингентини ҳисобга олиш китобида жамланадиган маълумотлар асосида «ЎРМВ» АТда:

туманлар ва шаҳарлар бўйича, шунингдек солиқ тўловчилар кесимида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ДМЖ бюджетларига тўловлар контингенти тушуми тўғрисида тезкор маълумот;

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича, шунингдек солиқ тўловчилар кесимида тўловлар контингенти тушуми тўғрисида тезкор жамланма маълумот;

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ДМЖ бюджетларига тўловлар контингенти тушуми тўғрисида ҳисобот шакллантирилади.

49. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўловлар контингенти тушуми тўғрисидаги маълумот давлат солиқ хизмати ва божхона органлари билан таққослангандан сўнг молия органлари ва фазначилик бўлинмалари тўловлар контингенти тушуми тўғрисидаги ҳисоботни шакллантирадилар ва юқори турувчи органларига тақдим этадилар.

50. Туман, шаҳар молия органлари тўловлар контингенти тушуми тўғрисидаги ҳисоботни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига тақдим қиладилар.

51. Туманлар ва шаҳарлар бўйича Фазначилик бўлинмалари ҳисоботни

тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ҳазначилик бошқармаларига тақдим қиладилар.

52. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари тўловлар контингенти тушуми тўғрисидаги ҳисоботни Молия вазирлигига тақдим қиладилар.

53. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ҳазначилик бошқармалари тўловлар контингенти тушуми тўғрисидаги ҳисоботни Молия вазирлиги Ҳазначилигига тақдим қиладилар.

2-§. Даромадлар тушуми ҳисобини юритиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ДМЖ бюджетлари даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш

54. «ЎРМВ» АТда:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига даромадлар тушуми тўғрисида тезкор маълумот;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар тушуми тўғрисида тезкор маълумот;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларига даромадлар тушуми тўғрисида тезкор маълумот;

ДМЖ бюджетларига даромадлар тушуми тўғрисида тезкор маълумот;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар тушуми тўғрисида жамланма маълумот;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига даромадлар тушуми тўғрисида жамланма маълумот;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ДМЖ бюджетларига даромадлар тушуми тўғрисида жамланма маълумот.

55. Ушбу Йўриқноманинг 54-бандида кўрсатилган маълумот асосида «ЎРМВ» АТда бюджет тизимининг тегишли бюджетларига даромадлар тушуми тўғрисидаги ҳисобот шакллантирилади.

56. Даромадлар тушуми тўғрисидаги ҳисобот тўловлар турлари кесимида:

туманлар ва шаҳарлар бюджетлари;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига;

ДМЖ бюджетлари бўйича шакллантирилади.

57. Даромадлар тушуми тўғрисидаги жамланма ҳисобот тўловлар турлари кесимида:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ДМЖ бюджетлари бўйича шакллантирилади.

6-боб. Тўловлар контингенти тушиши ва улардан бюджет тизими бюджетларига ажратмалар устидан назорат, шунингдек йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш

1-§. Тўловлар контингенти тушиши ва улардан бюджет тизими бюджетларига ажратмалар устидан назорат юритиш

58. Тўловлар контингенти тушуми, шунингдек улардан тегишли бюджетларга ушланмалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги ва бир хиллигини таъминлаш мақсадида молия органлари, фазначилик бўлинмалари, давлат солиқ хизмати органлари, божхона органлари ўртасида тўловлар контингенти тушуми, шунингдек улардан бюджет тизимининг тегишли бюджетларига ажратмалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг мажбурий равишда таққосланиши ўтказилади.

59. ЯФХга тўловлар контингенти келиб тушиши ва бюджет тизими бюджетлари ўртасида тўловларни тақсимлаш жараёни устидан назорат фазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

60. Келиб тушаётган тўловлар контингентини «ЎРМВ» АТда тегишли туман, шаҳар ҳудудий кодлари билан очилган даромадлар бўйича тегишли шахсий газна ҳисобварақларида акс эттириш, тўловлардан ажратмалар меъёрларига мажбурий тартибда амал қилинишини таъминлаш, шунингдек келиб тушган, қайтарилган, ҳисобга олинган тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги ва бирхиллигини таъминлаш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ва уларни тўғрилаш бўйича чоралар кўриш назоратнинг вазифаси ҳисобланади.

61. Фазначилик бўлинмалари ҳар куни ЯФХга маблағлар тушиши ва уларни бюджет тизими тегишли бюджетлари ўртасида тақсимлаш жараёнини назорат қилади.

2-§. Йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш

62. ЯФХга пул маблағларини ўтказишда, шунингдек тўланган тўловлар суммасидан бюджет тизими бюджетларига ажратишда йўл қўйилган хатолар тўғриланиши шарт.

63. Банклар томонидан йўл қўйилган хатолар банклар томонидан фазначилик бўлинмалари ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар билан келишилган ҳолда тўғриланади.

64. Молия органлари томонидан йўл қўйилган хатолар молия органлари томонидан фазначилик бўлинмалари ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар билан келишилган ҳолда тўғриланади.

65. Фазначилик бўлинмалари томонидан йўл қўйилган хатолар фазначилик бўлинмалари томонидан молия органлари ҳамда солиқ ва бошқа мажбу-

рий тўловларни ундириш бўйича ваколатли органлар билан келишилган ҳолда тўғриланади.

7-боб. Яқуний қоидалар

66. Ушбу Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

67. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2016 йил 24 март

Бюджет тизими бюджетлари
даромадларининг касса ижроси
тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

Тўловлар турлари ТАСНИФИ

Т/р	Тўлов тури	Номи	Таркиби
Бюджетга тўловлар бўйича			
1.	08101	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича олдиндан тўлов	Солиқ бўйича мажбуриятни муддатдан олдин ижроси
2.	08102	Ҳисоб-китобга мувофиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлови	Солиқ ҳисоботи бўйича вужудга келган солиқ мажбурияти ижроси
3.	08103	Қайта ҳисоблашга асосан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлови	Аниқланган солиқ ҳисоботи бўйича вужудга келган солиқ мажбурияти ижроси
4.	08104	Камерал текширувга асосан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлови	Камерал текширув натижасида вужудга келган солиқ мажбурияти ижроси
5.	08105	Солиқ текшируви натижасида қўшимча ҳисобланган солиқлар тўлови	Солиқ текшируви натижасида вужудга келган солиқ мажбурияти ижроси
6.	08106	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг депозит ҳисоб рақамларига ўтказиб берилган қўшимча ҳисобланган солиқлар тўлови	Тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг депозит ҳисоб рақамларига ўтказиб берилган қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси ҳисобидан солиқ мажбурияти ижроси
7.	08107	Суд ижрочилари томонидан ундириб олинган солиқ тўловлари	Суд ижрочилари томонидан ундириб олинган солиқ суммаси ҳисобидан солиқ бўйича мажбуриятлари ижроси
8.	08108	Пенялар	Солиқ тўловлари муддатларини бузганлиги учун ҳисобланган пеня бўйича солиқ мажбуриятлари ижроси
Бир марталик ҳисобга олиш учун бюджетга тўловлар			
9.	08201	Бир марталик ҳисобга олиш учун бюджетга асосий тўлов	

Т/р	Тўлов тури	Номи	Таркиби
10.	08202	Бир марталик ҳисобга олиш учун бюджетга тўлов бўйича пеня	
11.	08203	Бир марталик ҳисобга олиш учун бюджетга тўлов бўйича молиявий санкция	
Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бир марталик ҳисобга олиш учун бюджетга тўловлар			
12.	08301	Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бир марталик ҳисобга олиш учун бюджетга асосий тўлов	
13.	08302	Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бир марталик ҳисобга олиш учун бюджетга тўлов бўйича пеня	
14.	08303	Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бир марталик ҳисобга олиш учун бюджетга тўлов бўйича молиявий санкция	

124-модда

— 56 —

13 (721)-сон

Бюджет тизими бюджетлари
даромадларининг касса ижроси
тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

Тўлов топшириқномаси № Сана

Тўловчи номи
ДЕБЕТ

Тўловчининг ҳисоб рақами Тўловчининг СТИРи

Тўловчининг банки Тўловчининг банк коди

Сумма сўм тийин

Олувчининг номи
КРЕДИТ **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги**

Ягона газна ҳисобварағи **23 402 000 300 100 001 010**

Олувчининг банки **МБ Ташкент ш. Бош бошқармаси
ХЖКМ** Олувчининг
банк коди **00014**

Сумма ёзувда

Даромад шахсий газна
ҳисобварағи

<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
----------------------	----------------------	----------------------	----------------------	----------------------	----------------------

Маблағлар манбаи ва бюджетларнинг даражаси	Валюта коди	Назорат калити	Худудий тасниф коди	Даромад тури	Ташкилий тасниф коди
--	----------------	-------------------	---------------------------	-----------------	----------------------------

Тўлов мақсади

Ташкилот раҳбари

Бош бухгалтер

М.Ў.

(муҳр мавжуд
бўлган тақдирда)

13 (721)-сон

— 57 —

124-модда

Бюджет тизими бюджетлари
даромадларининг касса ижроси
тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

Тўлов топшириқномаси №	<input type="text"/>	Сана	<input type="text"/>
Тўловчи номи ДЕБЕТ	<input type="text"/>		
Тўловчининг ҳисоб рақами	<input type="text"/>	Тўловчининг СТИРи	<input type="text"/>
Тўловчининг банки	<input type="text"/>	Тўловчининг банк коди	<input type="text"/>
Сумма	<input type="text"/>	сўм	<input type="text"/>
Олувчининг номи КРЕДИТ	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги		
Ягона ғазна ҳисобварағи	<input type="text" value="23 402 000 300 100 001 010"/>		
Олувчининг банки	МБ Тошкент ш. Бош бошқармаси ХҚКМ	Олувчининг банк коди	<input type="text" value="00014"/>
Сумма ёзувда	<input type="text"/>		
Депозит шахсий ғазна ҳисобварағи	<input type="text"/>	<input type="text"/>	<input type="text"/>
	Маблағлар манбаи ва бюджетларнинг даражаси	Валюта коди	Ҳудудий тасниф коди
			Вазифа жиҳатидан тасниф коди
			Ташкилий тасниф коди
			Уникал рақам
Тўлов мақсади	<input type="text"/>		
Ташкилот раҳбари	<input type="text"/>	<input type="text"/>	
Бош бухгалтер	<input type="text"/>	<input type="text"/>	
М.Ў.	<input type="text" value="Текширилди"/>	<input type="text" value="Маъқулланди"/>	<input type="text" value="Банк томонидан
ижро этилди"/>
(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)			

Бюджет тизими бюджетлари
даромадларининг касса ижроси
тўғрисидаги йўриқномага
4-ИЛОВА

Ғазначилик мемориал ордери №			
Сана	КК.ОО.ЙЙЙЙ		
Тўловчи			
Тўловчининг номи			
Тўловчининг шахсий ғазна ҳисобварағи		СТИР	
Сумма			
Олувчи			
Олувчининг номи			
Даромад шахсий ғазна ҳисобварағи		СТИР	
Сумма ёзувда			
Тўлов мақсади			
Раҳбар		Имзо	Ф.И.О.
М.Ў.			
Бош бухгалтер		Имзо	Ф.И.О.
Ғазначилик мемориал ордери №			
Сана	КК.ОО.ЙЙЙЙ		
Тўловчи			
Тўловчининг номи			
Тўловчининг шахсий ғазна ҳисобварағи		СТИР	
Сумма			
Олувчи			
Олувчининг номи			
Даромад шахсий ғазна ҳисобварағи		СТИР	
Сумма ёзувда			
Тўлов мақсади			
Ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ёки ваколатли шахс		Имзо	Ф.И.О.
М.Ў.			
Масъул ходим		Имзо	Ф.И.О.

Бюджет тизими бюджетлари
даромадларининг касса ижроси
тўғрисидаги йўриқномага
5-ИЛОВА

Кассир	ЭЪЛОН					
	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги					
	(тўловни олувчи)					
	Банк номи	МБ Тошкент ш. Бош бошқармаси ХҚКМ				
	Олувчининг ҳисоб рақами	23 402 000 300 100 001 010				
	Банк коди	00014				
	Тўловчининг адреси					
	СТИР	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □				
	Даромад шахсий ғазна ҳисобварағи	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □
		Маблағлар манбаи ва бюджетларнинг даражаси	Валюта коди	Назорат калити	Худудий тасниф коди	Даромад тури
(Ф.И.О.)						
Солиқ, тўлов тури		Ўтган йилги қарздорлик	Жорий йил тўлови	Пеня	Жами	
(сумма ёзувда)				сўм.	тийин.	
Тўловчининг имзоси			Сана			
Кассир	КВИТАНЦИЯ					
	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги					
	(тўловни олувчи)					
	Банк номи	МБ Тошкент ш. Бош бошқармаси ХҚКМ				
	Олувчининг ҳисоб рақами	23 402 000 300 100 001 010				
	Банк коди	00014				
	Тўловчининг адреси					
	СТИР	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □				
	Даромад шахсий ғазна ҳисобварағи	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □	□ □ □ □ □ □ □ □ □ □
		Маблағлар манбаи ва бюджетларнинг даражаси	Валюта коди	Назорат калити	Худудий тасниф коди	Даромад тури
(Ф.И.О.)						
Солиқ, тўлов тури		Ўтган йилги қарздорлик	Жорий йил тўлови	Пеня	Жами	
(сумма ёзувда)				сўм.	тийин.	
Тўловчининг имзоси			Сана			

Кассир	КИРИМ ОРДЕРИ													
	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги													
	(тўловни олувчи)													
	Банк номи	МБ Тошкент ш. Бош бошқармаси ҲҚҚМ												
	Олувчининг ҳисоб рақами	23 402 000 300 100 001 010												
	Банк коди	00014												
	Тўловчининг адреси	_____												
	СТИР	<table border="1" style="width: 100%; height: 20px;"> <tr> <td style="width: 12.5%;"></td> <td style="width: 12.5%;"></td> <td style="width: 12.5%;"></td> <td style="width: 12.5%;"></td> <td style="width: 12.5%;"></td> <td style="width: 12.5%;"></td> <td style="width: 12.5%;"></td> <td style="width: 12.5%;"></td> </tr> </table>												
	Даромад шахсий ғазна ҳисобварағи	<table border="1" style="width: 100%; height: 20px;"> <tr> <td style="width: 16.6%;"></td> <td style="width: 16.6%;"></td> <td style="width: 16.6%;"></td> <td style="width: 16.6%;"></td> <td style="width: 16.6%;"></td> <td style="width: 16.6%;"></td> </tr> </table>												
	Маблағлар манбаи ва бюджетларнинг даражаси	Валюта коди	Назорат калити	Худудий тасниф коди	Даромад тури	Ташкилий тасниф коди								
(Ф.И.О.)														
Солиқ, тўлов тури	Ўтган йилги қарздорлик	Жорий йил тўлови	Пеня	Жами										
				сўм. тийин.										
(сумма ёзувда)														
Тўловчининг имзоси			Сана											

Бюджет тизими бюджетлари
даромадларининг касса ижроси
тўғрисидаги йўриқномага
6-ИЛОВА

Кассир	КВИТАНЦИЯ					
	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги					
	(тўловни олувчи)					
	Банк номи	МБ Тошкент ш. Бош бошқармаси ХҚКМ				
Олувчининг ҳисоб рақами	23 402 000 300 100 001 010					
Банк коди	00014					
Тўловчининг адреси						
СТИР						
Даромад шахсий ғазна ҳисобварағи						
	Маблағлар манбаи ва бюджетларнинг даражаси	Валюта коди	Назорат калити	Худудий тасниф коди	Даромад тури	Ташкилий тасниф коди
(Ф.И.О.)						
	Солиқ, тўлов тури	Ўтган йилги қарздорлик	Жорий йил тўлови	Пеня	Жами	
сўм. тийин.						
(сумма ёзувда)						
Тўловчининг имзоси			Сана			
Кассир	КВИТАНЦИЯ					
	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги					
	(тўловни олувчи)					
	Банк номи	МБ Тошкент ш. Бош бошқармаси ХҚКМ				
Олувчининг ҳисоб рақами	23 402 000 300 100 001 010					
Банк коди	00014					
Тўловчининг адреси						
СТИР						
Даромад шахсий ғазна ҳисобварағи						
	Маблағлар манбаи ва бюджетларнинг даражаси	Валюта коди	Назорат калити	Худудий тасниф коди	Даромад тури	Ташкилий тасниф коди
(Ф.И.О.)						
	Солиқ, тўлов тури	Ўтган йилги қарздорлик	Жорий йил тўлови	Пеня	Жами	
сўм. тийин.						
(сумма ёзувда)						
Тўловчининг имзоси			Сана			

Бюджет тизими бюджетлари
даромадларининг касса ижроси
тўғрисидаги йўриқномага
7-ИЛОВА

Давлат солиқ хизматининг коди

(давлат солиқ хизматининг номи)

дан

(юридик ёки жисмоний шахснинг номи)

СТИР

Почта адреси: (Индекс)

Тел. (моб.): E.mail:

АРИЗА

Солиқ кодексининг банди қисми моддасига асосан ҳисобга олиш учун

1. Солиқ коди Солиқ номи

Шахсий ғазна
ҳисобварағидан

Суммада

 сўм тийин

(Сумма ёзувда)

(Вужудга келган ортиқча (нотўғри) тўланган сумманинг сабаби ва санаси)
ортиқча (нотўғри) тўланган суммани қарз узилиш ҳисобига

2. Солиқ коди Солиқ номи

Шахсий ғазна
ҳисобварағига

Суммага

 сўм тийин

Керакисининг тагига чизилсин (мазкур солиқ тури бўйича пенялар ва жарималар), (бошқа солиқ турлари бўйича қарздорлик), (бошқа солиқ турлари бўйича пенялар ва жарималар), (мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар), (бошқа солиқ турлари бўйича келгуси тўловлар)

(Ташкилот раҳбари Ф.И.О.) ёки (жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

(Паспорт серияси ва рақами)

(Бош бухгалтер Ф.И.О.)

(Паспорт серияси ва рақами)

20__ йил «__» _____.

Бюджет тизими бюджетлари
даромадларининг касса ижроси
тўғрисидаги йўриқномага
8-ИЛОВА

Давлат солиқ хизматининг коди

(давлат солиқ хизматининг номи)

дан
(юридик ёки жисмоний шахснинг номи)

СТИР

Почта адреси: (Индекс)

Тел. (моб.): E.mail:

АРИЗА

Солиқ қарздорлиги йўқлигини ва (ёки) ўтказилган ҳисобга олишни инобатга олиб, тегишли молия органларига Солиқ кодексига назарда тутилган тартибда хулоса беришингизни сўраймиз

Солиқ кодексининг моддаси

1. Солиқ коди Солиқ номи

Шахсий ғазна
ҳисобварағидан

Суммада сўм тийин

(Сумма ёзувда)

(Вужудга келган ортиқча (нотўғри) тўланган сумманинг сабаби ва санаси)
ортиқча (нотўғри) тўланган суммани қолган суммасини қуйида кўрсатилган банк ҳисобварағига қайтариш

2. Банкнинг МФО Банк номи

(Солиқ тўловчисига хизмат кўрсатувчи банк реквизитлари)

Солиқ тўловчининг банк ҳисоб
рақами

(Ташкилот раҳбари Ф.И.О.) ёки (жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

(Паспорт серияси ва рақами)

(Бош бухгалтер Ф.И.О.)

(Паспорт серияси ва рақами)

20__ йил «__» _____.

Бюджет тизими бюджетлари
даромадларининг касса ижроси
тўғрисидаги йўриқномага
9-ИЛОВА

ХУЛОСА

_____ (хулоса тақдим этувчи ваколатли органнинг номи)

_____ аризасига асосан (СТИР — _____)

(тўловчи юридик шахснинг — номи, СТИР рақами ёки тўловчи жисмоний шахснинг — Ф.И.О., СТИР рақами)

ортиқча (ёки нотўғри) тўланган суммани қайтариш ёки бошқа тўловлар
ҳисобига ҳисобга олиш тўғрисида _____

(солиқ ёки тўлов номи)

_____ суммада

(сонда ва ёзувда)

Тақдим этилган материаллар текшируви натижасида 20__ йил
«___» _____ ҳолатига ариза берувчи томонидан _____

_____ сўм _____ тийин

(солиқ ёки тўлов номи)

бўйича _____ натижасида
ортиқча (ёки нотўғри) тўлангани аниқланди.

Кўрсатилган сумма тўловчининг _____ банк
ҳисоб рақамига (банк коди _____) ёки _____

_____ шахсий ғазна ҳисобварағига

_____ лозим.

(қайтарилиши, ҳисобга олиниши)

Раҳбар _____

Бош бухгалтер
(бухгалтер, мутахассис) _____

20__ йил «___» _____.